

## ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КОГНИТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Ганиев Темирбай Султанбаевич**

*катта ўқитувчи Қорақалпоғистон Республикаси педагогик маҳорат маркази*

**Аннотация:** Мақолада интерфаол методлар ва уларнинг ўқувчиларнинг когнитивлик қобилиятларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган, афзалликлари тўғрисида хулосалар чиқарилган.

**Аннотация.** В статье показаны интерактивные методы и их роль и значение в развитии когнитивных способностей учащихся, сделаны выводы о преимуществах.

**Калит сўзлар:** умумий ўрта таълим, давлат таълим стандарти, интерфаол методлар, Терминлар орқали ўқиш машқи, "Қора қути" методи. Светофор усули.

**Ключевые слова:** общее среднее образование, государственный образовательный стандарт, интерактивные методы, Упражнение на чтение терминов, метод "Черный ящик." Метод светофора.

Келажагимиз бўлган, вояга етиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва саънаат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларни ва замановий инфор­мацион-коммуникацион технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доима асосий вазифамиз бўлиб қолади" деб таъкидлаб ўтган эди [1].

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрельдаги 187 сон қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартининг мақсади, вазифалари ва асосий принципларида ҳам Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш, таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш энг муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган [2].

Шунингдек, Президентимизнинг «Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам ўзгармайди» деган фикрлари ҳам ҳар бир мактаб ўқитувчисининг ўқувчиларга самарали таълим беришда ўз устида мунтазам ишлашини, касбий маҳоратини ривожлантириб боришини талаб этади ва катта маъсулият юклайди.

Анъанавий таълим беришдан фарқли ўлароқ, интерфаол ўқитиш «таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс- мунозара, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини

иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, «ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи»нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади» [3].

Ўқувчиларда когнитивлик қобилиятларни ривожлантиришда бугунги куни таълим тизимига кенг жорий қилинган ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга [4]. Бунга асосий сабаб, дарс жараёнида қўлланилган интерфаол методлар ўқувчиларнинг ўзларини мустақил билим олишга чорлайди, дарснинг сифат-самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Лекин, бугунги кунда фан ўқитувчилари орасида ҳам дарсларда интерфаол методларни фойдаланишда бир қанча муаммолар мавжуд эканлиги сир эмас. Ўзгара тажриба алмашиш ва фан ўқитувчиларига методик ёрдам бериш мақсадида ўз мақоламизда тарих дарсларида, шунингдек, бошқа фанларда ҳам мавзудан келиб чиқиб фойдаланиши мумкин бўлган интерфаол усулларни кўриб ўтамиз.

Терминлар орқали ўқиш машқи

Ўқувчиларнинг билим даражаси етарли бўлса-да, ўз билганларини керакли даражада кўрсатиб, бошқалар билан бўлишишга келганда кутилган натижага эришавермайди. Унинг асосида ўз жавобларини тўғри шакллантира олмаслиги, керакли атама ва тушунчаларни ўринли қўллашнинг имконияти йўқ. Шу сабабли ҳам мавзуда учрайдиган терминларга эътибор қаратиб, уларни ўз жавобларида ўринли қўллаш, билишга ўргатиш керак.

Терминлар орқали ўқиш-ўқувчилар ўқийдиган матнларни тахмин қилишга ундашга қаратилган усул ҳисобланади [5].

1-қадам. Матндан бирор йўл билан боғловчи 4-5 та сўз танлаб олиш.

2-қадам. Мустақил ўйлашга вақт бериш, жуфтликлари билан ўз ҳикояларини тузиш.

3-қадам. Маъруза ўқиб ёки мавзу тушунтириб бўлингандан сўнг ўқувчилар қилган тахминлари, яъни тузган ҳикоялари билан мослигини таққослаш.

Ушбу машқни ижтимоий фанларда қўллаш тавсия қилинади. Машқнинг афзаллиги, ўқувчиларни дарсликларда берилган терминларнинг мазмуни билишга чорлайди, уларни самарали қўллашга ўргатади, таҳлил қилиш ва умумлаштириш кўникмаларини ривожлантиришга, мавзунини бошқа фанлар билан боғлашга ёрдам беради.

"Қора қути" методи

"Қора қути" - самолёт ёки учувчиларнинг вертолёт бортида жойлашган ҳикояларини бошидан охиригача мустақил ёзиб оладиган асбоб, ишончли ҳимояланган тўпловчи қурол. "Қора қути"нинг ранги қора эмас, уни авария юз берган жойдан тезроқ топиш учун кўпинча пушти-сарик рангга бўяйдилар. Шунингдек, "қора қути" шакли жиҳатидан қутига умуман тўғри келмайди. Кўпинча уни шарсимон қилиб ясайдилар. Бунга сабаб айнан шундай шаклдаги жисм максимал босим ва оғирликка бардош бера олади. Уни ишлаб чиқишни 1953 йилда австралиялик Девид Уоррен Буюк Британияда

биринчи марта таклиф этган. Таклиф этилаётган усул ҳам ушбу "қора кути" қондасига асосланган. Яширин савол, таҳлил қилинадиган масала ҳам аввал яширин бўлади.

Амалга ошириш тартиби:

1-қадам. Қора кути тайёрланади.

2-қадам. Қора кутига мавзуга оид сўз ёки расм яширилади.

3-қадам. Қора кутидаги нарсанинг турли белгилари аста-секинлик билан ўқилади.

4-қадам. Мавзу аниқланади.

"Қора кути" методи

Ушбу методни ижтимоий фанларда қўллаш тавсия қилинади. Методнинг афзаллиги ўқувчиларда ўрганган назарий билимларини амалий қўллашга ундайди. Қора кутида яширилган мавзуга оид сўз ёки расмларни топиш учун ўқитувчи томонидан моҳирлик билан саволлар ўртага ташланади. Ўқувчилар саволлар асосида яширилган сўз ёки расмни топишади. Метод ўқувчиларда когнитивлик қобилиятларнинг диққатни жамлаш, хотирани мустаҳкамлаш, мантиқ, хулоса қилиш, маълумотларни қайта ишлаш ва бошқа да турларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Светофор усули

"Светофор" усули 2006 йил 9-10 ноябрда Халқаро Варшава семинарида Болтик денгизи минтақасидаги "Одам" савдоси қурбони бўлган болаларга комплекс ёрдам сифатида тавсия этилган. Ушбу метод орқали хавф даражасини аниқлашга бўлиши белгиланган. Вазиятга боғлиқ ҳолда турли вариантда ўзгартирилиб қўлланилади: пул, билим, соғлиқ, ўзаро муносабат ва ҳ.к. Масалан, ушбу дастлабки мақсад бўйича бола ҳаётига хавф аниқланган:

-яшил - хавфнинг кам миқдорини;

-сарик - хавфнинг ўртача миқдорини;

- қизил ранг - хавф-хатарнинг юқори даражасини билдиради.

Ҳозирги вақтда билимни ўзлаштириш усулларида бири сифатида қўлланилмоқда. Инсерт усулига анча ўхшаш бўлади. Унда матн белгилар қўйиш орқали ўқилса, светофор усулида уч хил ранг қўлланилади:

-яшил ранг - ҳаммаси тушунарли;

- сарик ранг - ярим тушунарли ёки ўрта даражада;

- қизил ранг - умуман тушунарсиз.

Матн тарқатилгандан сўнг ҳар бир ўқувчига яқка ёки кичик гуруҳда ўқиб чиқишга кўрсатма берилади. Кейин ҳар бир абзацни юқорида кўрсатилган ранглар бўйича белгилаб чиқади. Охирида ўқитувчи улар бўйича иш олиб боради, зарур жойда ёрдам кўрсатган ҳолда мавзунини чуқур ўзлаштиришга йўналтиради.

Шундан сўнг "INSERT" усулидагидек давом эттириш мумкин, яъни матн яна қайта ўқилади. Устундаги фикрлар тўлдирилиши, ўзгариши мумкин. Кейин таҳлил иши бошланади: ҳар бир устунга фикрни нега? шу позицияга ёзилганлигига изоҳ берилади. Иштирокчилар дўстлари, ўқитувчи томонидан тушунтириш олади, ёки ўйлаб, ҳақиқатни ўзи аниқлайди.

Бу методдан дарснинг мақсади, мавзусини очишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи дарс мавзусини айтиб, биргаликда мақсад қўйилгандан сўнг яшил, сариқ, қизил рангли стикер ёки саҳифага уч хил фикр ёзишларини таклиф қилади.

Яшил - кутилган натижа, дарс якунида нималарни тўлиқ ўзлаштириб чиқиши мумкин.

Сариқ - натижага эришиш мумкин, лекин ҳали ҳам шубҳа туғдирадиган масала.

Қизил - тушунмай қолишдан қўрқадиган масала.

Ушбу варақларни олиб бориб белгиланган жойга ёпиштириши ёки ўзларида сир сақлаши мумкин. Дарс якунида эришилган натижа билан солиштирилади. Шунингдек, рефлексия тарзида ҳам фойдаланиш мумкин.

Масалан, гуруҳ иши ўзини ёки бошқа гуруҳни, бошқа иштирокчининг ҳаракатини баҳолаш учун:

яшил-гуруҳнинг самарали ишлаши учун барча имкониятимни қилдим;

сариқ - бундан ҳам яхши иш қилиш мумкин эди;

қизил - қоникмайман, ҳаммасини қилиб улгурмадим (ёки бошқа гуруҳга баҳо берса, "улгура олмади").

Ушбу усулнинг афзаллиги ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, яъни ўрганилган назарий билимларини синондан ўтказишга ёрдам беради, уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиради, матнлар билан ишлаш кўникмасини шакллантиради, диққатини бир жойга жамлашга ва таҳлил қилишга ўргатади, фанларора интеграцияни таъминлайди, энг асосийси дарснинг самарали бўлишига ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, интерфаол методлар кўп, лекин, ўқувчиларда фанларга оид билимларни шакллантиришда, уларни мавзу мазмунига мос танлаш, қўлланиш учун ўқитувчидан юқори касбий маҳорат, тажриба, билим, кўникма талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2017

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187 сон Қарори

3.Иноятов У.И.,Муслимов Н.А.,Усмонбоева М.,Иноғомова Д.Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб: Методик қўлланма. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – Б.122

4.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров, Тарих ўқитиш методикаси. Т-2010. 160-161 б

5.Симбаева С. Белсенді оқу мен оқытуда қолданылатын әдістер (әдістемелік құрал) «Тұран-Астана» университеті баспаханасы, Нұр-Сұлтан- 2019.- 133 б